

ҲАММА ПАХТА ТЕРИМИГА!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15-ИЛ ЧИКИШИ

№ 215 (3953)

1

НОЯБРЬ

Ж У М А

1968 ИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Вақт ғанимат. Табиатдан хайр-эхсон

кутиб ўтирмайлик. Бутун кучни далага

сафарбар этиб, олтин дурдонамизнинг

бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-

териб олайлик!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1968 йил 31 октябрда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишлари давом эттирди.

«КПСС XXIII съезди ва Марказий Комитет Пленумларининг қишлоқ хўжалиги масалаларига доир қарорлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев доклади юзасидан бўлган музокарада СССР қишлоқ хўжалик министри В. В. Макович, КПСС Новосибирск обкомининг биринчи секретари Ф. С. Горячев, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси Н. К. Байбаков, КПСС Бошқирдистон обкомининг биринчи секретари З. Н. Нуриев, СССР химия саноати министри Л. А. Костанов, Арманистон Компартияси

Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Е. Кочинян, КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари А. В. Георгиев, СССР трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри И. Ф. Синицин, КПСС Бурят обкомининг биринчи секретари А. У. Могодов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум шу масала юзасидан яқдиллик билан қарор қабул қилди.

Пленум «КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладыни тинглади.

Шу масала юзасидан бўлган музокарада КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, Грузия Компартияси Мар-

казий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе, СССР Езувчилар Союзи Правленисининг секретари А. Е. Корнейчук, Ленинград шаҳридаги С. Оржоникидзе номи Балтика заводи кemasозларининг бригада бошлиғи В. А. Смирнов, КПСС Кемерово обкомининг биринчи секретари А. Ф. Ештокин, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Марказий Комитет Пленуми «КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти тўғрисида» ўртоқ Л. И. Брежнев доклады юзасидан яқдиллик билан қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шу билан ўз ишлари тамомлади.

ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ТАНТАНАСИ

Шу кунларда икки орбита-космик ва фестивал орбиталари бир-бирлари билан кесишиб ўтгандек бўлди. Совет космонавти Георгий Береговой космик кемада қилган қаҳрамонона парвозини тугатди. Планетамиздаги иккинчи халқаро фестивалнинг шiori ҳам Г. Береговнинг тинчлик ва тараққиёт йўлида қилган тарихий жасорати билан оҳангдош бўлиб кетди. Осиё ва Африкадаги 49 мамлакат Тошкент кино анжуманининг экранида ўн кун мобайнида ўз бадиний ва ҳужжатий ленталарини намойиш қилди. Бу фильмларнинг ҳар бири халқларнинг ҳаёти, улар олдига турган проблемалар тўғрисида, уларнинг эришган ютуқлари, орау-умидлари ҳақида образли қисса бўлди.

Мардона Вьетнам жангчи операторларининг суратга олган жанг мазасизлари анча юз минглаб томошабинларнинг хотираларига узоқ сақланиб қолади. Уларнинг жасорати Совет Иттифоқи жамоат ташкилотларининг дипломатлари билан муносиб равишда тақдирланди. Вьетнам кинематографчилари икки қитъа иқодий кўришга катта ҳисса қўшдилар.

Тошкент—қадимий анъаналарга эга бўлган мамлакатларнинг кинематографиялари билан бир қаторда, мустамлакачилар асоратидан қутқилган давлатлар еш кинематографияларининг овозлари биринчи марта янграган жой бўлди.

... Санъат саройи. Бу ердаги катта фестивал экранда сурункасига 10 кун мобайнида фильмлар бирма-бир намойиш қилинди, маъмур фильмлари яратган кишилар сўзладилар. 31 октябрда энг оммавий санъат бўлими киновининг неча минглаб шинавандалари бу залга яна йиғилдилар. Тошкент учрашувининг қатнашчилари ва меҳмонлари, фестивал ташкилот комитетининг раҳбарлари, Ўзбекистон жамоат ташкилотларининг вакиллари саҳнадан ўрин оладилар. Тошкент фестивалининг чорловчи оҳанглари ҳозирги кино анжуманида сўнгги марта янграйди. Орадан икки йил ўтган, навбатдаги халқаро кўришда маъмур оҳанг

ТОШКЕНТДА ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ХАЛҚАРО КИНО- ФЕСТИВАЛИ ЕПИЛДИ

бу ерда яна янграйди. Кинофестиваль бундан буюн традицияга айлантирилди.

Фестиваль ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов тантанали маросимни очди.

— Осиё ва Африка мамлакатларининг биринчи халқаро кинофестивали худди кунга кеча бошлангандек туюлади, — дейди у. — Энди бўлса вилоятнинг давлари етиб келибди. Танишин, учрашин, самимий суҳбатлар билан ўзларга алоқий ўн кун тез ўтиб кетди. Биз бир-биримизни яхшироқ тушунадиган бўлиб қолдик. Бу оёқ кино санъатининг янги босқичини, Осиё ва Африка мамлакатлари халқларининг дўстлигини мустақамлашдаги ролини нишонлаган кўришнинг энг асосий ақунларидан биридир.

Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари ўн кун мобайнида Ўзбекистон ҳаёти билан танишин имкониятига эга бўлдилар. Улар Самарқандга бордилар, республика кинематографчилари билан учрашдилар. Колхозларда, фабрикаларда, заводларда, илмий муассасаларда бўлдилар.

Икки қитъанин аjoyиб кино санъати билан танишув тўғрисидаги хотиралар Ўзбекистон меҳнаткашларининг қалбига узоқ вақт сақланиб қолажак. Ўзбек томошабинлари бу фильмларга юксак баҳо бердилар. Фестиваль чоғида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Нукус, Янгйўл ва бошқа шаҳарларнинг кинотеатрларида 160 дан ортиқ бадиний ва ҳужжатий фильм кўрсатилди.

Бу фильмларни ярим миллиондан ортиқ киши томоша қилди. Ташкилот комитетининг раиси ўзларининг ёш бўлса-да, лекин катта вақт қадам ташлаётган санъати билан таништираган Африка мамлакатлари кино усталарига миннатдорчилик наҳор этади. У, фестивалда кўп фильмлар билан

қатнашган Осиё мамлакатлари кинематографчиларини қутлайди. Уларнинг иқодийети билан яна учрашин катта қувонч бўлишлади.

СССР Иттифоқи Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин фестивал қатнашчилари ва меҳмонларига йўлаган мактубида бундай деган эди: ҳар бир кино арбобининг иқодий меҳнати учун масъулияти ҳозирги вақтда айниқса каттадир. Шунинг учун ҳам тараққиёт ва реакция, инсонпарварлик ва инсонга нафрат билан қарайдиган кучлар бир-бирига қарши курашаётган ҳозирги дунёда ҳар бир кино арбобининг қандай позицияни тутаётганлиги айниқса муҳим масаладир. Фестивалга тақдим этилган фильмларнинг кўриги А. Н. Косигиннинг ана шу сўзларини яна бир бор тасдиқлайди. Киновининг илгор арбоблари империализмга, мустамлакачиликка ва агрессияга қарши курашга, гинчлик ва халқлар бахт-саодати йўлидаги курашга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Кинофестиваль ақунда Али Сном (Иордания), Самуил Ференжи (Эфиопия), Қосим Ҳамдил (Ироқ), Сакис Сомбет (Камбоджа), Тахар Шарна (Тунис), Альфа Амазу Диалло (Гвинея) сўзга чиқдилар.

Совет экранининг етакчи усталари фестивалнинг кинолента билан ўралган зангори ер кўраси тасвири акс эттирилган ол байроғини туширдилар.

Фестиваль ёпиқ деб эълон қилинди. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларининг садолари янграйди.

Сўнгра катта киноконцерт қўйиб берилди. Кўп миқлатли совет кинематографиясининг етакчи усталари концертта қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР ҳукумати Осиё ва Африка мамлакатлари биринчи халқаро кинофестивалининг қатнашчилари ва меҳмонлари шарафига катта қабул маросими ўтказди.

С. ФРОЛОВА,
И. ВЕКСЛЕР,
ТАСС—ЎзТАГ махсус
мухбирлари.



«СОЮЗ-3» КЕМАСИДА КОСМОНАВТНИНГ КОСМОСГА ПАРВОЗИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ВА ОРБИТАДА УЧИШ ВАҚТИДА МАНЕВР ҚИЛИШ ҲАМДА «СОЮЗ-2» КЕМАСИ БИЛАН ЯҚИНЛАШИШ ҲАҚИДАГИ ТОПШИРИҚЛАРНИ БАЖАРИШДА ҚАТНАШГАН ОЛИМЛАР ВА КОНСТРУКТОРЛАРГА, ИНЖЕНЕРЛАР, ТЕХНИКЛАР ВА ИШЧИЛАРГА, БАРЧА КОЛЛЕКТИВЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРГА

Совет космонавти ўртоқ Георгий Тимофеевич БЕРЕГОВОЙГА

Азиз ўртоқлар! Шу кунларда, Улут Октябрь социалистик революциясининг элли биринчи йили арафасида космик фазони ўзлаштириш тарихига совет фани ва техникасининг янги эришган муваффақияти ёзилди.

Совет Иттифоқида учувчисиз «Союз-2» космик кемасининг ва космонавт Георгий Тимофеевич Береговой бошқариш «Союз-3» кемасининг учираллиш космоси тобора ўрганиш ҳамда ўзлаштириш учун зарур бўлган бир қанча янги илмий ва техникавий тажриба ва тадқиқотларни амалга ошириш имконини берди.

Бу кемалар Ерга яқин космик фазода илмий-техникавий тадқиқотларни ҳамда тажрибаларни муваффақиятлан ўтказганидан кейин Ерга белгиланган районини худди ўзига аниқ қўндирилади.

Олимларимиз, конструкторларимиз, инженерларимиз, техникларимиз ва ишчиларимиз вужудга келтирган «Союз-2» ва «Союз-3» космик кемалари космосдаги парвознинг мураккаб шартларида топшириқни бажардилар. «Союз-2» ва «Союз-3» кемаларининг аппаратлари ва системалари бутун парвоз давоида аниқ ва пухта ишлаб турди.

Совет халқи ватанимизнинг космик фазони ўзлаштириш соҳасидаги янги муваффақияти билан ва космонавт ўртоқ Г. Т. Береговнинг жасорати билан фахрланмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қадрдон ўртоқ Г. Т. Береговой, сизни космосга қилинган парвозини муваффақиятлан амалга оширганлиги ва зинмантига юкланган фахрли топшириқни бажарганингиз билан самимий табриқлайдилар.

«Союз-2» ва «Союз-3» кемаларини вужудга келтиришда ва уларнинг парвозини муваффақиятлан суратда амалга оширишда қатнашган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларни — ҳамма кишиларни қизгин табриқлайлик.

Аjoyиб космик кемаларини вужудга келтирган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари ва ишчилари шон-шарафлар!

Шавкатли совет космонавтларига шон-шарафлар! Совет халқи бarchа талабаларининг алҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

КПСС
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ
СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

СССР
МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

«СОЮЗ-3» КОСМИК КЕМАСИНИНГ ПАРВОЗИ ТУГАЛЛАНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

ТАСС АХБОРОТИ

Космонавт-учувчи ўртоқ Георгий Тимофеевич Береговой кемаси «Союз-3» космик бўлиб Ер атрофи орбитасида тўрт кечаю-тўрт кундуз парвоз қилганидан сўнг, 1968 йил 30 октябрь Москва вақти билан соат 10 дан 25 минут ўтанда Қарағанда шаҳри районига қўнганлиги илгари хабар берилган эди.

Ўртоқ Береговой қутиб олишган дўстларига, мухбирларга ва спорт комиссарларига ўзини яхши ҳис қилаётганлигини айтди ва «Союз-3» космик кемасининг техникавий фахрларига юксак баҳо берди.

Шундан кейин космонавт-учувчи ўртоқ Георгий Тимофеевич Береговой парвоздан сўнг бўладиган медицина текшируви учун ҳамда кемани текшириш программаси бажаришга қўнганлиги ва ўтказилган тадқиқотлар ҳақида парвоз раҳбарларига маълумот бергани космодромга келди.

«Союз-3» космик кемаси парвозининг натижалари ишлаб чиқилмоқда ва ўрганилмоқда.

Маррага етган Юқори Чирчиқ районининг пахтакорлари социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топшира бошладилар. Бу йил юқоричирчиқлик меҳани заторлар қувончли кўрсаткичларга эришмоқдалар. Уларнинг ғайрати туфайли район машина терими планни салкам 153 процент адо этди. Суратларда: (юқорида) «Политотдел» колхозининг юз тонадан ортиқ пахта терган пешқадим меҳаник-ҳайдовчилари Г. Хван ва Б. Ким ўртоқлар (Пастда) машина терими пайти.

А. Абазян фотолари.

356.000
тонна пахта учун

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
31 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Пахта тайёрлаш		Машина терими	
	Бир кунда	Маъсум бошидан бери	Бир кунда	Маъсум бошидан бери
Юқори Чирчиқ	0,16	100,02	—	102,75
Оққўрғон	0,61	93,70	0,29	98,80
Бўқа	0,58	92,68	0,17	96,25
Ўрта Чирчиқ	0,66	88,28	—	96,28
Бекобод	0,69	81,81	0,02	84,10
Янгийўл	0,88	76,49	0,67	75,00
Оржоникидзе	0,82	60,94	0,20	84,40
Область бўйича	0,66	87,38	0,22	94,23



